

### **“Транспорт баҳолаш экспертизаси имкониятлари”**

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг Хоразм вилоят бўлими суд автотехника  
эксперти: **У.Х.Жуманиёзов**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайинланган экспертизаларнинг ошиб бораётганлиги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар томонидан суд транспорт-баҳолаш мутахассислиги бўйича мутахассис фикри бериш ҳақида мурожаатларнинг ошганлигини бугунги кунда транспорт баҳолаш экспертизасининг аҳамияти катта эканлигини билдиради. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг Хоразм бўлимида суд автотехника экспертизаси 2001 йилдан бошлаб ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом (*21.02.2023 йил, ЎзР ВМнинг 73-сон-қарори билан тасдиқланган*) ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан экспертизалар бажарилади. Ушбу Низом бўйича бўлимда суд-тергов органларининг қарори ёки суднинг ажрими асосида транспорт баҳолаш экспертизалари, бундан ташқари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан мутахассис фиклари бажариб келинмоқда. Суд экспертизасига юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, экспертиза муассасаси раҳбари бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга дарҳол хабар қилади. Суд экспертизасини тайинлаган орган камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари ўттиз кун ўтгач унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради. Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишга экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва суд экспертизасига тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига келиб тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини



тайинлаган органга юборилган кунда тугайди. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари, суд экспертнинг суд экспертизасига тақдим этилган материаллардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этилиши тўғрисида жавоб олиш, суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш, суд экспертнинг бошқа суд экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарида ва меҳнат таътилида бўлиши, уни бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда, суд экспертнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ва суд экспертизасини бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган ҳолатларда тўхтатиб турилади.

Суд эксперти томонидан экспертизаларни ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга тақдим этилиши ҳақида илтимоснома берилади. Қўшимча материаллар фақат суд экспертизасини тайинлаган орган томонидан тақдим этилади. Кўриқдан ўтказиш талаб қилинадиган текшириш объектларини (экспертиза муассасасига тақдим этилган объектлардан ташқари) кўздан кечиришда суд экспертизасини тайинлаган орган суд эксперти учун объектга тўсиқсиз киришни ва уни текшириш имконини таъминлайди. Кўриқдан ўтказиш суд экспертизасини тайинлаган орган томонидан ташкил этилади, унинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади. Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд экспертизасини тайинлаган шахс билан бирга экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъи назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди. Транспорт воситасига етказилган зарарни аниқлаш бўйича тайинланган экспертиза бўйича транспорт воситасини кўздан кечириш учун борилганда баъзи ҳолларда транспорт воситасининг таъмирланган ҳолатлар учраб туради. Ушбу ҳолатда транспорт воситасига етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш имкони бўлмайди. Шу сабабли транспорт воситасига етказилган зарарни аниқлаш бўйича экспертиза тайинланганда ушбу транспорт воситасиларини вақтинчалик сақлаш майдонига жойлаштириш тавсия этилади. Суд эксперти ўзига тақдим



этилган объектлар ва материалларни текшириш тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда ҳолисона ва илмий асосда амалга оширади.

Хоразм вилоят бўлимида транспорт баҳолаш экспертизасини ўтказиш учун люфтомер (рулда умумий люфтини ўлчагич қурилма), техник эндаскоп Model: U9GY1C2C3C360C, автомобилларга ташхис қўйиш учун “Launch X-431 PRO” русумли сканер махсус замонавий жихозлар билан жихозланган. Ушбу жихозлар транспорт баҳолаш экспертизасини ўтказишда экспертиза сифатини ва ишончилигини оширишда амалий ёрдам қилади.

Хоразм бўлимида ўтказилаётган транспорт баҳолаш экспертизалари сони ва жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан мутахассис фиклари сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги, ушбу экспертизаларнинг одил судловни амалга ошириш, тергов жараёнларида иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашда ўрни муҳим эканлигини англатади. Ушбу экспертиза тури турли ҳолат ва тоифадаги ишлар бўйича ҳақиқатни қарор топишида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, жиноятчиликка сабаб бўлган ҳолатларни аниқлашда, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва уларни бартараф этишда ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта амалий ёрдам бериб келмоқда.